«**Роббинг асаларига: «Тоглардан, дарахтлардан ва кўтарилган сўритоклардан уй тутгин. Сўнгра хамма мевалардан егин. Бас, Роббинг осон килиб кўйган йўллардан юргин», деб вахий килди».** (Куръон 16:68-69)

Вон-Фрисч асаларилар жамоаси ва феъл-атворини ўрганиш бўйича килган ўзининг тадкикот иши учун 1973 йилда Нобел Мукофотини кўлга киритди. Асалари янги бог ёки гулларни топса, кайтиб бориб ўз шерикларига хам айтади ва уларни айнан ўша жойга бошлаб келади, бу нарсага «асаларилар ракси» деб ном берилган. Бу хашаротнинг ўзига хос харакатларидан максад ишчи асаларилар ўртасида маълумот алмашиниш экани илмий жихатдан исботланди, бунда уларнинг харакатлари суратга олинди, шу ва бошка воситалар оркали ўрганилди. Юкоридаги оятларда асалари ўз кобилиятини ишга солган холда Роббисининг осон килиб берган йўлларини кандай килиб топиши хакида гап кетмокда.

Юкорида келтирилган оятларда назарда тутилган асаларилар ургочи жинсда эканини билиб олишимиз мумкин, (фаъслуки ва кули) яъни озука топиш максадида инидан чикадиган асаларилар ургочи асаларилар экани айтилмокда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, аскар ёки ишчи асалари бу ургочи асаларидир.

Шу ўринда бир гап, Шекспирнинг «Генри Тўртинчи» асаридаги баъзи кахрамонлар асаларилар хакида хам гапириб ўтишади, бунда асаларилар аскарлар бўлиб уларнинг Подшохи бўлади. Мана, Шекспир давридаги одамлар асаларини кандай деб билганлари. Улар ишчи асаларилар эркак асаларилар ва улар инига кайтганларида подшохларига хисоб бериб туришади, деб ўйлашган. Аслида эса бундай эмас. Ишчи асаларилар ургочи бўлиб, улар подшохга эмас, балки кироличаларига хисоб беришади. Лекин буни аниклаш учун сўнгги 300 давомида янгидан янги тадкикотлар олиб боришга тўгри келди.